

# ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ КОЛЛЕКЦИЯСИНИНГ ТАРҒИБОТИ СТРАТЕГИЯЛАРИ



Рузиева Саодат Анваровна

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси  
«Кўргазмалар ва фондлар» бўлими бошлиғи  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21218033>

***Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси фаолияти мисолида галерея коллекцияларини тарғиб этишининг назарий ва амалий масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқотда музей коммуникацияси назарияси, экспозиция ва кўргазма сиёсати, кураторлик концепциялари, таълимий, илмий ва маданий дастурларнинг аҳамияти ҳамда хорижий музейлар тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари комплекс равишда ўрганилган. Мақолада доимий ва вақтинчалик экспозициялар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, аудитория билан самарали мулоқотни йўлга қўйиш, рақамли платформалардан фойдаланиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш галерея фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари сифатида асослаб берилган. Тадқиқот натижалари миллий тасвирий санъатни тарғиб этиш, галерея фаолиятини замонавий музейшунослик талабларига мослаштириш ва маданий меросни сақлаш ҳамда ривожлантиришида илмий-амалий аҳамиятга эга.*

***Калит сўзлар:** галерея фаолияти, музей коммуникацияси, экспозиция сиёсати, кўргазма, кураторлик концепцияси, таълимий дастурлар, маданий тарғибот, рақамлаштириш, халқаро тажриба, Ўзбекистон тасвирий санъати*

## **Галерея тарғибот фаолиятининг назарий асослари**

Замонавий музей ва галереялар фаолиятида тарғибот масаласи фақат ахборот тарқатиш ёки тадбирлар ҳақида эълон бериш билан чекланиб қолмайди. У маданий коммуникациянинг муҳим қисми сифатида жамоатчилик билан узлуксиз ва самарали мулоқотни таъминлаш, аудитория эҳтиёж ва қизиқишларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда маданий қадриятларни кенг оммага етказишни назарда тутаяди. Шу маънода тарғибот музей-галерея фаолиятининг стратегик йўналишларидан бири бўлиб, унинг самарадорлиги муассасанинг жамиятдаги нуфузи ва ижтимоий аҳамиятини белгилайди.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси фаолияти мисолида тарғибот стратегияларини музей коммуникацияси назарияси асосида шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Музей коммуникацияси назарияси музейни фақат экспонатлар сақланадиган макон сифатида эмас, балки ахборот узатувчи ва қабул қилувчи субъектлар ўртасидаги фаол мулоқот майдони сифатида талқин қилади. Бу жараёнда томошабин пассив кузатувчи эмас, балки маъно яратишда иштирок этувчи фаол иштирокчи сифатида намоён бўлади.

Музей коммуникацияси тизимида экспонатлар, экспозиция дизайни, визуал ва

матнли тавсифлар, экскурсиялар, интерактив дастурлар, рақамли платформалар ҳамда оммавий-маърифий тадбирлар асосий коммуникация воситалари ҳисобланади. Ушбу элементларнинг ўзаро уйғунлиги галерея тарғиботининг мазмунан бой ва таъсирчан бўлишини таъминлайди. Айниқса, замонавий ахборот технологиялари ва рақамли медиалардан фойдаланиш аудитория билан мулоқотни кенгайтириш, ёшлар ва халқаро жамоатчиликни жалб этиш имконини беради.

Аудитория тушунчаси ҳам замонавий музейшуносликда бир хил ижтимоий гуруҳ сифатида эмас, балки ёши, таълим даражаси, касбий мансублиги, маданий тажрибаси ва эстетик қизиқишлари билан фарқланувчи кўп қатламли мажмуа сифатида қаралади. Шу сабабли галерея тарғибот сиёсатида дифференциал ва сегментлашган ёндашув устувор аҳамият касб этади. Масалан, талабалар, профессионал санъатшунослар, сайёҳлар ёки кенг жамоатчилик учун турли формат ва мазмундаги тарғибот маҳсулотларини ишлаб чиқиш самарадорликни оширади.

Корпоратив галереяларда, хусусан давлат муассасалари тасарруфидаги галереяларда жамоатчилик билан ишлаш масаласи назарий ва амалий жиҳатдан алоҳида ўрин тутади. Бундай галереялар ўз фаолиятида ижтимоий масъулият, очиқлик, шаффофлик ва маданий дипломатия тамойилларига амал қилиши лозим. Галерея нафақат миллий маданий меросни намоён этиш, балки жамиятда эстетик тафаккурни ривожлантириш, маданий мулоқотни кучайтириш вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси жамоатчилик билан ишлашда оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари, ижодий уюшмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиши тарғибот фаолиятининг самарадорлигини оширади. Бундай ҳамкорлик галерея фаолиятининг жамият ҳаётидаги аҳамиятини кенг ёритиш, аудитория қамровини ошириш ва маданий лойиҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

### **Экспозиция ва кўргазма сиёсати**

Экспозиция ва кўргазма сиёсати галерея коллекцияларини жамоатчиликка етказиш ва уларни тарғиб этишнинг энг самарали ҳамда таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади. Ушбу сиёсат асарларни жисмоний жойлаштириш ёки эстетик тартибга солиш билан чекланиб қолмай, балки уларни маънавий-маърифий, тарихий ва маданий жиҳатдан талқин этишга қаратилган мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Замонавий музейшуносликда экспозиция музей коммуникациясининг марказий бўғини сифатида қаралиб, у орқали галерея ўз илмий позицияси, маданий стратегияси ва жамият олдидаги миссиясини ифода этади.

Доимий ва вақтинчалик экспозициялар ўртасидаги мутаносиблик галерея фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Доимий экспозициялар миллий тасвирий санъат тараққиётининг босқичма-босқич тарихи, бадий мактаблар эволюцияси ва етакчи ижодкорлар меросини тизимли равишда намоён этишга хизмат қилади. Улар орқали томошабинда миллий маданий хотира шаклланади ҳамда санъатнинг тарихий давомийлиги ҳақида яхлит тасаввур пайдо бўлади.

Вақтинчалик кўргазмалар эса галерея фаолиятига динамика олиб кириб, замонавий бадий жараёнлар, янги эстетик қарашлар ва экспериментал йўналишларни намоён этиш имконини беради. Бундай кўргазмалар орқали галерея ҳозирги давр санъатининг долзарб муаммоларига муносабат билдириш, ижодий изланишларни қўллаб-қувватлаш ҳамда аудиториянинг қизиқиш доирасини кенгайтириш вазифасини бажаради. Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси амалиётида доимий ва вақтинчалик экспозицияларни илмий

концепция асосида режалаштириш, улар ўртасида мазмунан ва ғоявий уйғунликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Экспозиция сиёсатида кураторлик концепциялари ҳал қилувчи ўрин тутади. Замонавий кураторлик амалиётида мавзули, муаммоли-тахлилий, хронологик ёндашувлар кенг қўлланилмоқда. Куратор экспозиция муаллифи сифатида асарларни муайян ғоявий тизимга бирлаштириб, улар орқали томошабинга маълум маъно ва хулосаларни етказди. Галерея коллекцияларини тарғиб этиш жараёнида куратор асарларнинг эстетик қиймати билан бир қаторда, уларнинг тарихий шароити, ижтимоий мазмуни ва фалсафий моҳиятини очиб беришга интилиши лозим. Бу эса экспозициянинг илмий даражасини ошириш ва унинг таълимий аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Миллий ва халқаро кўргазмалар галерея экспозиция сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Миллий кўргазмалар мамлакат ичида санъат тараққиётини қўллаб-қувватлаш, ижодкорлар ўртасида мулоқотни кучайтириш ва миллий маданий ўзликни мустаҳкамлашга хизмат қилса, халқаро кўргазмалар Ўзбекистон тасвирий санъатини жаҳон маданий маконига интеграция қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Халқаро кўргазмаларда иштирок этиш галерея коллекцияларининг нуфузини оширади, миллий санъат мактабининг ўзига хос жиҳатларини кенг халқаро аудиторияга тақдим этади ҳамда маданий алмашинув жараёнларини жадаллаштиради.

Шу тариқа, экспозиция ва кўргазма сиёсати галерея фаолиятининг илмий, маърифий ва маданий вазифаларини уйғунлаштирувчи стратегик йўналиш сифатида намоён бўлади. Уни режалаштириш ва амалга оширишда илмий асосланган ёндашув, кураторлик салоҳияти ва аудитория эҳтиёжларини ҳисобга олиш галерея коллекцияларини самарали тарғиб этиш ва миллий тасвирий санъатни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

### **Таълимий, илмий ва маданий дастурлар**

Замонавий музей ва галереялар фаолиятида таълимий, илмий ва маданий дастурлар муассасанинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий аҳамиятини белгилаб берувчи асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бундай дастурлар галерея коллекцияларининг мазмуний қийматини ошириш, уларни турли аудитория қатламлари учун тушунарли ва долзарб шаклда тақдим этиш ҳамда маданий меросни авлоддан-авлодга узатиш вазифасини бажаради. Шу маънода галерея фақат кўргазма майдони эмас, балки билим тарқатиш, тадқиқот олиб бориш ва маданий мулоқотни ривожлантиришга қаратилган илмий-маърифий марказ сифатида намоён бўлади.

Илмий анжуманлар, конференциялар ва мавзули лекциялар галерея фаолиятининг илмий йўналишини мустаҳкамлайди. Улар орқали коллекцияларда сақланаётган асарлар санъатшунослик, тарихий ва маданий контекстда таҳлил қилинади, янги илмий хулосалар илгари сурилади ҳамда соҳадаги долзарб муаммолар муҳокама этилади. Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси ҳузурида ташкил этиладиган илмий анжуманлар, давра суҳбатлари ва очиқ маърузалар миллий тасвирий санъатнинг ривожланиш босқичлари, бадиий мактаблар хусусиятлари ва замонавий тенденцияларини ўрганиш учун самарали илмий платформа вазифасини ўташи мумкин. Бу эса галереянинг илмий нуфузини ошириш билан бирга, академик муҳит ва амалий музей фаолияти ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

Таълимий дастурлар галереянинг турли аудиториялар билан ишлаш стратегиясида алоҳида ўрин тутади. Хусусан, ёшлар ва талабалар учун ташкил этиладиган маҳорат дарслари, интерактив экскурсиялар, семинар ва ижодий лабораториялар уларда санъатга бўлган қизиқишни кучайтириш, эстетик тафаккурни шакллантириш ҳамда бадиий меросга

онгли муносабатни тарбиялашга хизмат қилади. Бундай дастурлар орқали галерея ёш авлодни миллий ва жаҳон санъати ютуқлари билан таништириб, келажакда санъатшунос, куратор, реставратор ёки музей менежери каби малакали мутахассислар етишиб чиқиши учун маънавий ва интеллектуал замин яратади.

Маданий-маърифий тадбирлар, жумладан ижодий учрашувлар, бадий кечалар, тақдимотлар ва кўргазмага боғлиқ оммавий дастурлар галерея фаолиятини жамият ҳаётига янада яқинлаштиради. Бу каби тадбирлар аудитория билан тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтиради, томошабиннинг экспозицияга нисбатан фаол иштирокини таъминлайди ҳамда санъат асарларини идрок этиш жараёнини чуқурлаштиради.

Кадрлар салоҳиятини ошириш масаласи ҳам галерея фаолиятининг барқарор ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Галерея ходимларининг музей менежменти, кураторлик амалиёти, реставрация, сақлаш ва рақамлаштириш соҳаларидаги билим ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бориш замонавий талабларга жавоб берадиган профессионал муҳитни шакллантиради. Халқаро тажрибани ўрганиш, малака ошириш курслари ва стажировкаларда иштирок этиш тарғибот ва таълимий дастурларнинг самарадорлигини ошириш билан бирга, галерея фаолиятини инновацион йўналишларда ривожлантириш имконини беради.

Шу тариқа, таълимий, илмий ва маданий дастурлар галереянинг асосий функцияларини — сақлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш вазифаларини уйғун ҳолда амалга оширишга хизмат қилади. Уларни илмий асосда режалаштириш ва тизимли равишда жорий этиш Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясини замонавий маданий-интеллектуал марказ сифатида шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

### **Хорижий тажриба асосида такомиллаштириш йўллари**

Халқаро музей ва галерея амалиётини тизимли таҳлил қилиш Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш фаолиятини такомиллаштиришда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Ривожланган мамлакатлар музейлари тажрибаси музей менежменти, экспозиция сиёсати ва жамоатчилик билан мулоқот соҳаларида замонавий бошқарув ҳамда коммуникация моделларини жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Европа ва Шимолий Америка музейларида коллекция билан ишлаш стратегияси узоқ муддатли режалаштириш, илмий тадқиқот ва аудитория таҳлиliga таянади.

Хорижий музей амалиётида коллекция сиёсатини ривожлантириш илмий асосланган харид тизими, шаффоф инвентаризация ва замонавий рақамлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилади. Коллекцияларнинг батафсил каталоглаштирилиб, уларнинг тарихий келиб чиқиши, муаллифлиги, сақланиш ҳолати ва илмий тавсифи электрон маълумотлар базасида акс эттирилади. Бу эса асарларнинг сақланиш даражасини назорат қилиш, уларни тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка тақдим этиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси амалиётида ҳам бундай тизимларни жорий этиш миллий коллекцияларни халқаро стандартларга мос равишда ривожлантиришга хизмат қилади.

Замонавий халқаро музейларда PR, медиа ва рақамли платформа стратегиялари галерея фаолиятининг ажралмас қисмига айланган. Ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар, виртуал кўргазмалар ва онлайн каталоглар орқали аудитория билан доимий мулоқот қилиш музей коммуникациясининг самарали шакли сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, рақамли технологиялар ёрдамида интерактив контент яратиш, виртуал экскурсиялар ташкил этиш ва мультимедиали тақдимотлардан фойдаланиш музей аудиториясини кенгайтиришда

муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида рақамли платформаларни изчил ривожлантириш, электрон каталог ва виртуал экспозицияларни яратиш тарғибот фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан бирга, миллий санъатни халқаро ахборот маконига олиб чиқиш имконини беради.

Халқаро ҳамкорлик истиқболлари галерея фаолиятини такомиллаштиришнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Қўшма кўргазмалар, илмий тадқиқот лойиҳалари, кураторлик алмашинуви ва мутахассислар стажировкалари орқали хорижий музейлар билан ҳамкорлик қилиш миллий коллекцияларни жаҳон миқёсида танитишга хизмат қилади. Бундай ҳамкорлик доирасида ташкил этиладиган кўргазмалар Ўзбекистон тасвирий санъатининг ўзига хос жиҳатларини халқаро аудиторияга тақдим этиш, маданий алмашинув жараёнларини жадаллаштириш ва миллий санъат мактабининг нуфузини ошириш имконини беради.

Шу тариқа, хорижий тажриба асосида такомиллаштириш йўллари Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси фаолиятини замонавий музейшунослик талабларига мослаштириш, коллекцияларни самарали тарғиб этиш ва миллий тасвирий санъатни жаҳон маданий жараёнларига интеграция қилишда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро амалиётни танқидий таҳлил қилиш ва уни миллий шарт-шароитларга мос равишда жорий этиш галереянинг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

### **Хулоса**

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси фаолияти мисолида галерея коллекцияларини тарғиб этишнинг назарий-методологик асослари, экспозиция ва кўргазма сиёсати, таълимий, илмий ва маданий дастурларнинг аҳамияти ҳамда хорижий тажриба асосида такомиллаштириш йўллари комплекс равишда таҳлил этилди. Олиб борилган таҳлил шуни кўрсатадики, замонавий галерея фаолияти тарғиботни фақат ахборот тарқатиш воситаси сифатида эмас, балки маданий коммуникация, таълим ва илмий тадқиқотлар билан уйғунлашган кўп функцияли тизим сифатида қарашни талаб этади.

Экспозиция ва кўргазма сиёсати галереянинг илмий позицияси ва маданий миссиясини намоён этувчи асосий восита бўлиб, доимий ва вақтинчалик экспозициялар ўртасидаги мутаносиблик миллий тасвирий санъатни ҳам тарихий, ҳам замонавий жараёнлар контекстида ёритиш имконини беради. Кураторлик концепцияларининг илмий асосда ишлаб чиқилиши экспозиция мазмунини чуқурлаштириб, томошабиннинг бадиий асарларни идрок этиш жараёнини бойитади.

Таълимий, илмий ва маданий дастурлар галереяни билим ва тадқиқот маркази сифатида шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Илмий анжуманлар, лекциялар, маҳорат дарслари ва интерактив таълимий лойиҳалар орқали аудитория билан фаол мулоқот ўрнатилади, ёш авлодда эстетик тафаккур ва миллий маданий меросга нисбатан онгли муносабат шаклланади. Шу билан бирга, галерея ходимларининг малакасини ошириш ва замонавий музей менежменти кўникмаларини ривожлантириш тарғибот фаолияти самарадорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Хорижий музейлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, коллекция сиёсатини илмий асосланган харид, инвентаризация ва рақамлаштириш тизимлари орқали ривожлантириш, шунингдек, PR ва рақамли платформалардан фаол фойдаланиш галерея фаолиятининг самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Халқаро ҳамкорлик, қўшма кўргазмалар ва илмий тадқиқот лойиҳалари миллий тасвирий санъатни жаҳон маданий маконига интеграция қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси коллекцияларини тарғиб этишни такомиллаштириш илмий асосланган экспозиция сиёсати, таълимий ва маданий дастурларни тизимли ривожлантириш, шунингдек, хорижий тажрибани миллий шарт-шароитларга мос ҳолда жорий этиш орқали амалга оширилиши лозим. Бу эса галереянинг маданий, илмий ва ижтимоий аҳамиятини ошириш, миллий тасвирий санъатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Музейлар тўғрисида»ги ЎРҚ-164-сон Қонуни. Тошкент, 2008 йил 12 сентябрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги. Музейлар фаолиятини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. — Тошкент, 2020.
4. Абдуллаев Н. Санъатшуносликка кириш. — Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
5. Ахмедов М.Қ. Музейшунослик асослари. — Тошкент: «Университет», 2012.
6. Гнедовский М.Б. Музейная коммуникация: модели, технологии, методы // Музейный маркетинг. — М., 2010.
7. Каулен М.Е. Экспозиция и публика. Стратегии музейной коммуникации. — Москва: ИКОМ России, 2014.
8. Лорд Б., Лорд Г.Д. Менеджмент в музейном деле. — Москва: Логос, 2002.
9. Хайдаров А. Маданият — инсониятнинг маънавий мероси (Музейшунослик йўналиши бўйича ўқув қўлланма). — Тошкент, 2017.
10. Юсупов Б. Ўзбекистон музейшунослиги асослари. — Тошкент: Фан, 2015.
11. Юхневич М.Ю. Я поведу тебя в музей: Учебное пособие по музейной педагогике. — М., 2001.
12. Ambrose T., Paine C. Museum Basics. — London: Routledge, 2012.
13. Cameron D. The Museum, a Temple or the Forum? // Curator: The Museum Journal. — 1971.
14. Dean D. Museum Exhibition: Theory and Practice. — London: Routledge, 1994.
15. Falk J. H., Dierking L. D. The Museum Experience Revisited. — New York: Routledge, 2013.
16. Hooper-Greenhill E. Museums and Their Visitors. — London: Routledge, 1994.
17. Hooper-Greenhill E. Museums and the Interpretation of Visual Culture. — London: Routledge, 2000.
18. ICOM. Code of Ethics for Museums. — Paris, 2017.
19. Kotler N., Kotler P., Kotler W. Museum Marketing and Strategy. — San Francisco: Jossey-Bass, 2008.
20. Lord B., Lord G. D. The Manual of Museum Management. — Lanham: Rowman & Littlefield, 2009.